



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

20 19 yil «07» 02.

45 -сонли

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги
“Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони
ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги
“Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони ижросини таъминлаш
мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги йирик давлат тиббиёт муассасаларида (Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, клиникалар, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий диагностика марказлари, шифохоналар, вилоят стоматология поликлиникалари, Реабилитация марказлари, Кексалар ва ногиронлиги бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ва бошқалар) хорижий фуқароларга “Medical visa” олиш учун тиббиёт муассасалари томонидан юбориладиган таклифноманинг намунавий шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир в.в.б.

Б. Юсупалиев

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2019 йил "17" 02 даги
45 -сонли буйруғига ИЛОВА

Таклифноманинг намунавий шакли

№ _____

Ўзбекистон Республикаси Консули ёки
Ўзбекистон Республикаси Элчисига

Нусхаси: (Беморнинг тўлиқ манзили ва Ф.И.Ш)

Бемор (Ф.И.Ш, фуқаролиги, паспорт серияси ва рақами) Ўзбекистон Республикаси (вилоят/шаҳридаги тиббиёт муассасанинг номи)га тиббий диагностик ёки даволаниш муолажаларни олиш учун таклиф этилади. Мазкур фуқарога Ўзбекистонга ташриф буюриш учун "Medical visa" расмийлаштириб беришда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова: _____ варақда

Кўзатувчилар:

(Ф.И.Ш) _____

Паспорт серияси ва рақами:

Қўшимча маълумот зарур бўлиб қолса, № _____ телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Муассаса раҳбари Ф.И.Ш _____

имзо, муҳр